



мўъжизаси содир бўладиган жойга.

Масихнинг Чўқиниши (Худонинг зуҳури) байрамида биз кўрамыз:

- Худо Ўзини инсонга Учбирлик сифатида очади;
- У моддий дунёни (сувни) муқаддаслайди, иноят фақат жонга эмас, балки танга ва бутун яратилишга тегишли эканини кўрсатади.

Нега бизга Черков керак?

Масихнинг Таваллуди , Масихнинг Чўқиниши ва Худонинг зуҳури – янги мавжудликнинг бошланишидир. Унда Худо абадий равишда инсон табиати билан бирлашди, моддани муқаддас қилди ва Ўзини Учбирлик сифатида очди – абадий Муҳаббат Манбаи сифатида.

Лекин икки минг йил ўтгач, биз бу воқеликка қандай тегишимиз мумкин? Масихнинг шифоланган инсон табиати қандай қилиб бизнинг табиатимизга айланади?

Бу учун Худо бизга фақат Инжил таълимини эмас, балки Черковни – Ўз хузурининг тирик маконини берди.

Агар Масихнинг Чўқинишида Худо инсон танасини қабул қилган бўлса, Черковда – Масих Танасида – У бизнинг ҳаммамизни қабул қилади, мўминларни Ўзида бирлаштиради. Черковда Байтлаҳм ва Иорданда бошланган нарса ҳар биримиз учун шахсан муқаддас сирлар орқали амалга ошади:

- Чўқинтириш – бу янги ҳаёт учун шахсий туғилиш имиздир. Масих сувларни муқаддаслаш учун Иорданга киргани каби, биз ҳам ҳавзага кириб, муқаддас бўламиз, Унинг



Танасининг бир қисми ва иноят билан «Худо фарзандлари»га айланамиз.

- Тавба – Чўқинтиришда берилган покликка доимий қайтишдир. Бу Худо билан ярашиш, гуноҳимиз билан узган мулоқотни тиклашдир.
- Евхаристия (Бирлашма) – бу муқаддас сирда биз айнан Сўз жисм бўлгани учун берилган Илоҳий ҳаётга шерик бўламиз.

«Менинг танам — ҳақиқий озуқа, қоним ҳақиқий ичимликдир. Танамни еб, қонимни ичадиган одам Менда, Мен эса унда яшайман. Модомики, Мени барҳаёт Ота юборган экан, Мен Ота туфайли яшайман. Менинг танамни еган ҳар бир одам эса Мен туфайли яшайди» (Юҳанно 6:55–57)

Черков – Худо инсонга жаннатда йўқотилган ҳақиқий кадр-қимматини қайтариб берадиган йўлдир. У орқали Худо дунёга нурни, инсонга эса унинг энг олий чақириқни қайтаради: Яратувчи билан абадий ҳаёт.

Худога йўлни қаердан бошлаш керак?

Худонинг жисмланиши (Тажассуд) – муҳаббатнинг энг улуғ амалидир. Худо Ўз махлуқоти томон қадам ташлади ва Масих бўлиб, бутун инсон йўлини босиб ўтди.

Биз бу беқиёс неъматга қандай жавоб бера оламиз?

Бу йўл қалбнинг кичик, аммо самимий истагидан бошланади, Унинг чақириғига жавоб беришга тайёр бўлган юракдан:



- Инжилни ўқинг.
- Ибодатда Худога мурожаат қилинг ва маъбадга келинг.
- Ахлоқий покликка интилган ҳолда яшанг.

Масих инсон ҳаётига кирганда, у ўзгаради: кўрқув ўрнини тинчлик, бепарқлик ўрнини муҳаббат, қоронғулик ўрнини нур эгаллайди.

Шунда Масихнинг туғилиши мўъжизаси қалбимизда рўй беради: биз ҳам, Масихнинг инсон табиати каби, ўзгара бошлаймиз – дунёга келган Чақалоқ олиб келган иноят нури, тинчлик ва муҳаббат билан ёритиламиз.



Илтимос, ушбу рисола ни ташламанг ва уни маиший мақсадларда ишлатманг. Унда Худонинг исми ёзилган. Агар сизга енди керак бўлмаса, уни бошқа бировга беринг ёки православ черковига қайтаринг.

МОСКОВСКАЯ ПРАВОСЛАВНАЯ СРЕДНЕАЗИАТСКАЯ ОБЩИНА

Если Вы хотите участвовать в жизни общины, или у Вас есть вопросы, обращайтесь по тел.: +7 (962) 939-08-02

E-mail: tamidzemixa@mail.ru

Священник Дионисий Гришков



Рус Православ Черкови. Москва Патриархияси

МАСИХНИНГ ТАВАЛЛУДИ – ИЛОҲИЙ ЗОҲИР БЎЛИШ

Нега Худо дунёга келди?

Ҳар бир инсон ҳаёти фақат туғилиш, синовлар ва муқаррар охирдангина иборат эмаслигини у ёки бу даражада ҳис этган. Ҳар ким ҳақиқий маънони, ҳақиқатни, чин муҳаббатни топишни истайди – бу дунё эса, ўзининг гўзаллиги ва тўлалигига қарамай, буларни охиригача бера олмайди.

Бу истак тасодифий эмас, у юрак хотираси инсоннинг ҳақиқий мақсади ҳақидаги хотира билан боғлиқ. Инсон абадий ҳаёт ва Худо – ҳаёт ва муҳаббат Манбаи билан тирик мулоқот учун яратилган. Ана Унда инсон мукамал қувонч ва ҳаёт тўлалигини топади.

Бироқ, Худо томонидан берилган эркин иродага эга бўлган инсон гуноҳ қилди, Яратувчисидан узоқлашиш йўлини танлади ва шу билан У билан бўлган ибтидоий алоқани узди. Бу узилиш натижасида инсон табиати бузилди: дунёда азоб, ёвузлик ва ўлим ҳукм сура бошлади. Биз ибтидоий покликни ва Яратувчи билан бевосита мулоқот қилиш имкониятини йўқотдик.

Лекин Худо Ўзининг чексиз муҳаббати ва раҳмати билан Ўз махлуқотини бу бегона ҳолатда ташлаб қўймади. Асрлар давомида У пайғамбарлар орқали





одамларга мурожаат қилиб, келажак Қутқарувчини – Масихни ваъда қилди. У узилдиш оқибатларини енгиб, йўқотилган бирликни тиклаши ва инсонга Худо билан ярашиш имконини қайтариши керак эди.

«Энди Раббийнинг Ўзи сизларга аломат беради: ана, қиз ҳомиладор, у ўғил туғади ва Унинг исмини Иммануил қўяди» (Ишаё 7:14)

«Мана биз учун бола туғилди, Ўғил бизга берилди. Ҳукмронлик Унинг зиммасидадир, Номи Ажойиб Маслаҳатчи, қудратли Худо, Абадий Ота, Тинчлик Шаҳодасидир» (Ишаё 9:6)

Вақт тўлганида эса, Худо Ўз ваъдасини ҳайратланарли ва ақлга сиғмас тарзда бажарди.

Масихнинг Таваллуди воқеасида абадий Коинот Яратувчиси, Худо бўлиб қолган ҳолда, инсон табиатини қабул қилди. У тарихга қўрқинчли Ҳоким сифатида эмас, балки камтар Чақалоқ сифатида кирди, инсониятни ич-ичидан шифолаш учун.

ва раҳмат амалидир: Худо узоқдан турмайди, балки инсон ҳақиқатга киради, уни ўзгартириш учун.

Масих туғилганидан бошлаб, гуноҳ билан зарарланган инсон табиати (Одам Ато ва Момо Ҳавонинг аслий гуноҳи натижасида) шифоланиш имконига эга бўлди. Масихда бизга янги Одам – мукамал Инсон намоён бўлди, унда Худога ўхшашлик қайта тикланган. У орқали ҳар биримиз яна «Худо фарзанди» бўлиш имконига эгамиз – инсон ибтидода қандай яратилган бўлса, шундай: абадий ҳаётга, Яратувчи билан муҳаббат ва мулоқотга даъват этилган махлуқ.

Нега Масих чўқинди?

Масих бутун инсон ҳаёти йўлини босиб ўтади ва уни Ўзи билан муқаддас қилади. Ўзининг очик хизматини эса, биринчи қарашда ғалати туюлган воқеа – Иордан дарёсидаги Чўқиндириш билан бошлайди.

Ўз туғилганидан ўттиз йил ўтиб, Масих Иордан соҳилига келади. Бу ерда пайғамбар Яҳё Пешқадам одамларни гуноҳдан воз кечиб, янги ҳаётни бошлашга чорлайди. Кўпчилик қалбни поклаш умидида сувга тушади.

Лекин муқаддаслик Манбаи бўлган Зот нима учун чўқинди?

Жавоб Худо муҳаббатининг бутун чуқурлигини очиб беради. Масих буни Ўзи учун эмас, балки биз учун қилди.

- Худо биз билан бирга бўлади. У ўзини гуноҳкорлардан устун қўймай, уларнинг ёнида туради, ҳаётимиз ва унинг оғирлигини

бўлишиш учун. Бу – камтарлик амали: Худо гуноҳдан ташқари ҳамма нарсада бизга ўхшаб, гуноҳ оқибатларини Ўзига олади, гарчи Ўзи гуноҳсиз бўлса ҳам.

- *«Худонинг иродасини тўла бажариши зарур» (Матто 3:15).* Масих Худонинг инсон ҳақидаги режасини тўлиқ бажаради ва камтарлик ҳамда итоат намунасини кўрсатади. Шу билан У инсон гуноҳи билан бузилган Худо ва инсон ўртасидаги муносабат тартибини тиклайди – камтарлик, итоат ва муҳаббат тартибини.
- У сув табиатини муқаддас қилади. Иордан сувларига шўнғиб, У сув унсурини, у орқали эса бутун ер моддасини муқаддаслайди.

«Масих нурланмоқда - келинг, биз ҳам У билан нурланайлик! Масих сувга шўнғийди - келинг, биз ҳам У билан тушайлик ва У билан чиқайлик!» - ҳазрати Григорий Богослов.

Худонинг зуҳури: Учбирлик бизга нимани очади?

Раббимиз Чўқинган пайтда Иордан дарёсида фақат сув муқаддас қилинмади. Бу пайтда дунёга илк бор Муқаддас Учбирлик зоҳир бўлди: Отанинг овози эшитилди – *«Бу Менинг севикли Ўғлимдир, Ундан ниҳоятда мамнунман» (Матто 3:17),* ва Муқаддас Рух каптар шаклида Масихга тушди. Бу ҳодиса православ иймоннинг энг чуқур сирини очади: Худо моҳияти жиҳатидан Ягона, аммо Уч Шахсда мавжуд – Ота, Ўғил ва Муқаддас Рух, Учта Худо эмас, балки Ягона Худо – бутун мавжудот Манбаи ва олам Яратувчиси. Ҳар бир Шахс Илоҳий табиатнинг тўлалигига эга, айни пайтда бошқалар билан

қўшилиб кетмайди ва аралашмайди, балки Ўзининг бетакрор Ипостасига эга.

Бу сир ақл билан тўлиқ англаб бўлмайди; у инсонга руҳий ўсиш жараёнида очилади, қалб Илоҳий муҳаббат нурида яшашни ўрганганда. Ва Худонинг зуҳури орқали бизга асосий ҳақиқат очилади: Худо – Уч Шахснинг бирлиги ва мулоқотида яшайдиган абадий ва мукамал Муҳаббатдир.

Бу нега биз учун муҳим?

Айнан шу мулоқот – Илоҳий муҳаббатда иштирок этиш учун Худо инсонни яратган. Гуноҳ бу алоқани бузди, аммо Масих уни тиклаш учун келди, инсонни Яратувчи билан бирлаштириб.

Сувни муқаддаслаш: июнат яратилишга тегади

Чўқинтириш сувини муқаддаслаш – Худонинг зуҳури давомидир. Бу – Иордан сувларига тушган Муқаддас Рухни ибодат билан чақиришдир. Черков дуоси орқали оддий сув Илоҳий июнат воситасига айланади.

Бу Худо ҳаётнинг барча соҳаларига тегишини кўрсатади: танамизга, уйлариимизга, меҳнатимизга, ерга. Биз муқаддас сувни ичамиз, уйлариимизни сепамиз ва шунда оддий бўлиб кўринган нарсалар Худо ҳузурининг жойига айланиши мумкинлигини ҳис этамиз. Инсон муқаддас сувни ичганда, у шундай гувоҳлик беради: Худо менинг ҳаётимда.

Бу неъматни қабул қилган қалб янги Иорданга айланади – инсон ва Яратувчи учрашуви

